

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 11 июнь, чоршанба

№47 (11.538)

Эркин нархда сотилади

Экофестиваль

ЭНГ ОБОД МАҲАЛЛА — ЗАНГИОТАДА

ПОЙТАХТДАГИ «БОҒИ-ЭРАМ» ИСТИРОҲАТ БОҒИДА БУТУНҲАҲОН АТРОФ-МУҲИТ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ЭКОФЕСТИВАЛЬ БЎЛИБ ЎТДИ.

У экология ва саломатлик кунларининг «Ўзбекистон барқарор экоривожланиш йўлида» шiori остида ўтказилган «Санитария, гигиена ва экологик маданият» декадаси доирасида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистондаги Озарбайжон, Афғонистон, Қирғизистон, Латвия, Малайзия, Молдова, Туркменистон, Покистон элчихоналари томонидан жаҳон халқлари маданиятининг ўзига хос жиҳатларини ақс эттирувчи кўргазмалар намойиш этилди. Шунингдек, фестивал меҳмонлари она табиатни ақс эттирувчи расмлар ҳамда гуллар кўргазмасини ҳам томоша қилишди.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: қиймати 3 миллион сўмлик сертификат топширилган пайт. Даврон АҲМАД олган сурат.

Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 205,2 минг тонна пўлат эритилди. Истеъмолчиларга 193,2 минг тонна тайёр металл прокатни етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан салкам 18 минг тоннага кўпдир. Экспорт ҳажми ҳам ошди. Январь-май ойларига ҳорижий истеъмолчиларга 16,8 миллион долларлик маҳсулот жўнатилди.

Корхона январь-май ойларида 256,2 минг тонна хомашё қабул қилиб олди. Афсуски, май ойида бу борадаги ҳукумат топшириғи бажарилмади. Натيجада корхонада хомашё танқислиги сезилди. Бу эса ишлаб чиқариш маромига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Кора ва рангли металл парчалари ҳамда чикиндиларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг Бекободда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида ана шу ҳақда сўз борди. «Ўзметкомбинат»ни иккиламчи хомашё билан таъминлашнинг январь-май ойлари ақуларига бағишланган мазкур йиғилишида вазириликлар, идоралар, уюшмалар, ҳудудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашёси йиғиш ва топшириш билан шуғулланувчи ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Корхонанинг бир маромда ишлаши мамлакатимизда олиб борилаётган курилиш

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»:

ХОМАШЁ ТАЪМИНОТИДА УЗИЛИШ БЎЛМАСИН

лар, хусусан, барпо этилаётган замонавий академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларини курилиш асволаш билан, тоғ-кон санюати майдалаш тегиримонларини эса пўлат эриткичлар билан узлуқсиз таъминлаш имконини беради. Мамлакатимизда корхонани бир неча йил мобайнида иккиламчи металл хомашёси билан таъминлаш имкониятлари мавжуд. Республика ҳукумати Бекобод металлургияри хар томонлама кўлаб-қувватламоқда. Айниқса, хомашё таъминотидаги муаммоларни бартараф этишнинг чоралари кўриб келинмоқда. Шу мақсадда кора ва рангли металл парчаларини тайёрлаш, қайта ишлашга топшириш билан шуғулланувчи

корхона ҳамда ташкилотларни сафарбар этиш, уларнинг моддий маънавий йўналишини охирига алоҳида эътибор қаратишда хомашё харид нархлари ҳам кейинги бир йил мобайнида бир неча маротаба охирилди. Бир сўз билан айтганда, металлургия билан ҳамкорликда ишлаш ҳаммага бирдай фойда келтиради. Аммо, йиғилишида таъкидланганидек, айрим вазирилик ва идоралар, ҳудудий бошқарув органлари бу муҳим тадбирга панжа орасидан қармоқда. Айни кунда «Ўзметкомбинат»нинг 90 минг тоннадан сал ортиқроқ хомашё захираси мавжуд.

Комиссия йиғилишида рангли металл парчалари тайёрлаш ва қайта ишлашга топшириш масаласига ҳам

жиддий эътибор қаратилди. Афсуски, бундай хомашё етказиб бериш бўйича ҳатто шартномалар тузиш ишлари ҳам тўлиқ низоҳисига етказилмаган. Бу, айниқса, Тошкент, Навоий, Андижон вилоятларига кўпроқ тегишли. Ваҳоланки, буғунги кунда хомашё етказиб бериши рағбатлантириш чоралари ростамамага кучайтирилган, ҳисоб-китоб ҳам ўз вақтида амалга оширилмоқда. Бундай имкониятдан оқилона фойдаланиш, ўз навбатида мамлакат иқтисодиётига катта ўрин тутувчи корхонанинг бир маромда ишлашига муносиб ҳисса қўиш муҳим вазифадир.

Комиссия йиғилишида корхонани иккиламчи металл хомашёси билан таъминлашда йўл қўйилган қамчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш, май ойида етказиб берилмаган металл парчалари ўрнини июль ойида қоплаш, бу борадаги ҳукумат топшириғини сўзсиз бажариш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Йиғилишда Тошкент вилоят хокими У. Мирзақулوف иштирок этди.

Н. ДУШАЕВ,
УЗА МУХБИРИ.

Хушхабар

БЕКООДНИНГ ТЕННИС КОРТИ

Бекободдаги «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси шаҳарда спортни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўиш келмоқда. Айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Куни кеча комбинат ташаббуси билан куриб битказилган катта теннис корти ва болалар сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Замонавий анжомлар билан жиҳозланган ушбу теннис корти ва сузиш ҳавзасининг очирилиши вилоят хокими Умнат Мирзақулوف иштирок этди.

Р. ЁҚУБЖОНОВ.



АҚШНИНГ ЯНГИ ЭЛЧИХОНАСИ КУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Тошкентда АҚШ элчихонасининг янги мажмуи пойдеворида биринчи ғишт қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Тошкентда АҚШ элчихонасининг янги бинасини куриш тўғрисидаги битим мамлакатимиз Президентни Исрол Каримовнинг ўтган йил март ойида АҚШга буюрган расмий ташрифи чоғида имзоланган эди. 2002 йил майда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан АҚШ элчихонаси ўртасида пойтахтнинг Юнусобод даҳасидаги 4,5 гектарлик майдонни харид қилиш тўғрисидаги битимга қўл қўйилди.

2006 йил январида мазкур худудда янги элчихона мажмуи кад ростлайди. У етти бинадан иборат бўлади. Маҳмулда коттежит, омбуналар, хавфсизлик таъминоти бўлими, автомобил тўхташ жойи каби иншоотлар жойлашади.

Мажмуа пойдеворида биринчи ғиштни қўйиш маросимида сўзга чиққан АҚШнинг Ўзбекистондаги Факултети, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар жадал ривожланиб бораётгани, элчихона янги бинасининг барпо этилиши ҳам бунга яққол мисол бўлиши таъкидлади.

Маросимда Тошкент шаҳар хокими Р. Шоабдураҳмонов иштирок этди.

Бобур СОБИРОВ,
УЗА МУХБИРИ.

Оққўрган туманида вилоят қишлоқ хўжалигида ислотларнинг амалга оширилиши, шунингдек, ғўзага агротехник ишлов беришнинг аҳволига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, туманлар хокимлари, ширкат хўжаликлар раислари иштирок этди.

ЎЗА РИВОЖИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков бошқарган ушбу йиғилишида вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида ислотларни рўйбага чиқариш борасида муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Ёчимини қутаётган масалалар таҳлил қилиниб, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Ақсарият майдонлардаги чигит қайта эклиби, бир текис ундириб олинган бўлса-да, ғўзага ишлов беришда техникадан унумли фойдаланилпти,

деб бўлмади. Ғўзанинг ривожини ўтган йилга нисбатан бирмунча орта қолмоқда. Йиғилишида вилоят пахтачилигидаги ҳозирги асосий вазиға култивация ишларини талаб даражасида ўтказиш, маҳаллий ўғитдан самарали фойдаланиш, зараркунада ҳашорат ва бегона ўтларга қарши курашни кучайтиришдан иборатлиги таъкидланди.

Йиғилишда вилоят хокими У. Мирзақулوف иштирок этди.

Замон ЭШОНҚУЛОВ,
УЗА МУХБИРИ.

ҲАР ТУПИ ЭЪЗОВОДА

Ҳа, буни вазият тақозо этмоқда. Чунки, чигит сурвкали ёнгарчилик сабабли кеч эклиди. Бунинг ўстига ерда намлик меъёрдан зиёд бўлгани боис, ёввойи ўтлар авж олиб, ёш ниҳолларнинг озқасица шериқ бўляпти. Бундай шароитда чопик, кетма-кет култивация ўтказиб, ғўзанинг илдиз қисмига илтиқлик бериш зарур бўлади.

Вазиятни тўғри баҳолаб, ушбу агротехник тадбирларни вақтида ва маромига етказиб амалга ошираётган хўжалиқларда ғўза ривожини тезлаштириш. Жумладан, Чиноз туманидаги «Эшонобод» ширкат хўжалигида ғўза яғнаси барвақт ўтказилгани, далаларни ўт босишга йўл қўйилмагани, қатор оралари талабга қараб юмшатиб беришнинг тўғрисида ниҳоллар дурқун ривожланмоқда.

Бу йил хўжаликда 410 гектар майдонга «С-6524» навли чигит эклиди. Ғўза

бир-иккита чинбарг чикаргандаёқ, яғнага киришилиб, бир ҳафта ичиде яқунланди. Култивация вақтида ва сифатли ўтказилди. Яйраб ўса бошлаган ниҳоллар бунга кунга келиб, шонага кирди.

«Эшонобод»ликлар ғўзанинг авжига маҳия бўлмай, парваришни қизгин давом эттирмоқдалар. Уларнинг максимал йиллик меъёрдаги ўғитни 1 июдан кечиктирмай, бериб бўлиб, ҳосилнинг эрта пиши етилишига эришишдир.



СУРАТДА: бош ҳосилот Ҳасанбой Тожиев (чапда) пудратчи Сирождин Айтқужаев билан бирга ишлов сифати ва ғўза ривожини кўздан кечирмоқда.

Истеъдод - 2003

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

Юртимизда янги ҳаёт, янги жамият куриш жараёнида фаол иштирок этиш, ёшларни бирлаштириб, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бош мақсадларидан ҳисобланади. Илгари хабар берганимиздек, «Истеъдод-2003» уч кунлик анжумани бошланган эди. Унинг қатнашчилари пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилишдан бошлаб, Янгийўл туманига сафарга отланган эдилар. Улар Гулбахор касб-ҳунар коллежиде ўз иқтидорларини намойиш этишди. (Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: бундан олдин улар Гулбахор касб-ҳунар коллежиде ўз иқтидорларини намойиш этишди. (Давоми 2-бетда).

Ислоҳот қирралари

Республика ишчи гуруҳининг вилоятдаги қатор туманларида бўлиб, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги аҳволни ўрганиб чиқарган ҳулосаси хали едимиздан кўтарилгани йўқ. Хусусан, теширув ақунларига бағишланган йиғилишида шундай гаплар айтилди: «Ақсарият хўжаликларда кўча ва йўллари ёзда чанг-тўзон, кишда лой бўлиб ётади. Маданий-маърифий бинолар кўндан бери

БАРАКАНИНГ БОШИ — ТЕЖАМДА

Юқоричирик туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиғи техникани авайлаб асраб, самарали ишлатиш ҳисобига хар йили экинлардан мўл ҳосил олиб, режани ортиғи билан бажариб, миллион сўмлаб соф фойда кўрмоқда

қаровсиз қолиб, ҳароб ҳолга келган. Ободончилик ишларига эътибор берилмайди. Хўжалиқларда техника воситаларини авайлаб ишлатиш, вақтида таъмирлаб туришга совуққонлик билан муносабатда бўлилаётгани оқибатида улар очик ҳавода сочилиб, занглаб етибди. Эғасизлик шу даражадаки, техника талон-торож қилинмоқда. Бу раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, лоқайдигини кўрсатади». Эътироф этиш керакики, ишчи гуруҳининг ҳулосалари ўринли. Чунки, бараканинг боши тежамда, саранжом-сарипталликда. Агар раҳбарларда шу хислатлар етишмаса, ҳар қанча катта бойлик ҳам соврилиб, нес-нобуд бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Аммо хўжалиқ-

ни ақл-идрок билан бошқараётганлар ҳам оз эмас. Бундай хўжалиқлар ҳар бир туманда топиллади. Узининг шаънини, жамоанинг ризқини йўлайдиган раҳбар хўжалиқни ҳар томонлама яшнатиб кўяди. «Гулистон» ўзининг иқтисодий-ижтимоий салхиюяти жиҳатидан бошқаларга намуна бўла оладиган ана шундай хўжалиқлардан биридир.

Комилжон Салимов раис бўлиб келган

дастлабки кунлардан хўжалиқнинг бор мол-мулкни бирма-бир кўздан ўтказиб, уларни авайлаб асраш, бирини икки қилиш йўллари излашга киришди. Шундай қилмаса бўлмасди ҳам. Хар йили 2500 гектар майдонда деҳқончилик қилинади. Жумладан, 1200 гектар майдонда пахта етиштирилади. Шунга яраша техника бўлиши керак. Хўжалиқнинг техникаси етарли бўлса, агротехника тадбирлари вақтида ва сифатли бажарилади. Бинобарин, ҳосил мўл, таннархи арзонга тушади. Соф даромад эса, таннархга бевосита боғлиқдир.

(Давоми 3-бетда).

Экофестиваль

ЭНГ ОБОД МАҲАЛЛА — ЗАНГИОТАДА

4000 га яқин киши қатнашган фестивалда республика Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Фуломова сўзга чиқди.

Шу куни «Энг обод маҳалла» республика кўрик-танловининг ғолиблари эълон қилинди. Бунда маҳаллалардаги маънавий-маданий, экологик ҳолатлар, аҳолининг тоза ичимлик суви ва замонавий коммунал хизматлар билан таъминланганлиги, озодалик, ободонлаштириш ҳамда кўкalamзорлаштириш, қарияларга бўлган эътибор, ёшлар орасида олиб борилаётган тарбиявий ишлар эътиборга олинди. Зангиота туманининг «Зангиота» қишлоқ фуқаролар йиғини ушбу кўрик-танловнинг иккинчи босқичи ғолиби деб топилди, «Экосан» халқаро жамғармаси дипломи ҳамда танлов ташкилотчилари томонидан ажратилган жами 3 миллион сўм миқдоридagi пул маблағи топширилди. Танловда иккинчи ўринни Тошкент шаҳар Ҳамза тумани «А. Назаров» номли маҳалла (1,5 млн. сўм), учинчи ўринни эса Фарғона вилояти Қўқон шаҳри «Акмал Икромов» номли 58-маҳалла (1 млн. сўм) эгаллади. Мукофотлари «Экосан» халқаро жамғармасининг президенти Юсуф Шодиметов топширди.

Ғолибларга берилган маблағлар маҳаллаларни янада ободонлаштириш, сув таъминоти тизимини таъминлаш, чиқиндилар масаласини тартибга солиш муаммоларини ҳал этишга сарфлаш учун маҳалла ҳисоб рақамига ўтказилди.

— Бугунги мукофотни 16 минг аҳоли яшайдиган Зангиота қишлоқ аҳли билан бир қаторда Зангиота туманининг 150 мингдан ортиқ аҳолисига, қолаверса, бутун вилоятимизга берилган мукофот деб қабул қиламиз, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Солиҳўжа Норуҷаев.

— Бундан тўрт йил олдин 34-мактабга бошлангич синфлар учун бешта синфхона қуриб бердик. Икки қабристон орасида қолиб кетган 8 та хонадонга бошқа жойдан барча кулайлиқларга эга бўлган уй-жай тўхта этди. Бир пайтлар кўпгина маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўз хоналари йўқ эди. Айни кунларда ҳаммалари ўз иш жойларига эга. Утган бир ярим йил ичида иккита маҳалламизга миллияча таянч пункти ичида бўлган замонавий бино қуриб, очилиш маросимларини ўтказдик. 32-мактабга мусика асбоблари сотиб олиб бердик. Ҳадемай, уларга компьютер анжомларини совға қилиш ниятимиз бор. Утган бир йил ичида қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамма шарт-шароитга эга бўлган бинода фаолият юрита бошладик. Наврўз байрами арафасида қишлоғимизнинг саховатпеша инсонлари томонидан берилган 2 миллион 100 минг сўм пулга худудимиздаги 5 та мактабга ўқув китоблари олиб бердик.

Экофестиваль атоқли санъаткорлар иштирокидаги катта концерт дастури ҳамда халқ сайли билан аяқланди.



Хуришида НАЗАРОВА, Тошкент ҳақиқати мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳашар

«Экосан» халқаро жамғармаси ташаббуси билан мамлакатимизда экология ва саломатлик кунларини ўтказиш ахши анъана бўлиб келди. 1997 йилда бошланган бу ҳайрли тадбир ҳар йили амалга ошириляпти. Унинг Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофазат қилиш кунига бағишлаб, республикамиз бўйлаб ўтказилган кунларининг иккинчи босқичи бошланди.

У 5 июндан 15 июнгача давом этмоқда ва «Ўзбекистон барқарор ривожланиш йулида» шiori остида «Санитария, гигиена ва экологик маданият» ўн кунлиги сифатида нишонланаёпти. Ҳа кунилик доирасида 7 июнь куни «Орол оналари ва болаларига» шiori остида республика экологик шанбаллиги бўлиб ўтди.

Шу куни бутун республикамиздаги каби вилоятимизнинг барча саноят корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, мауссаалар ва ҳўжалиқларида, жамоат жойларида, бозорлар, бекавлар, маҳаллаларда ободонлаштириш ва санитария-профилактика ишлари олиб борилади, ариқ-зовурлар ва очик сув хавзалари, сўғориш иншоотлари ва канализация тармоқлари тозаланди. Шанбалик-

босарлари бошчилигида етти та хашарчилар гуруҳи ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш бўйича ўзларига бирктирилган худудларда меҳнат қилдилар. Айниқса, Оҳангарон, Чиркизов, Амир Темур, Ибн Сино, Ўзбекистон мустақил-

МЕҲР-МУРУВВАТ РАМЗИ

Унинг дастлабкилари вилоятнинг Бука ва Бекобод туманлари қишлоқларида ўтказилган бўлса, бу сафаргиси Оққўрган ва Қуйчирчиқ туманлари маҳаллаларида бўлиб ўтди. Унда бир неча кам таъминланган оналарга, кийим-кечақлар, фарзандлари учун ўқув қуроллари тарқатилди. Хусусан, Оққўрган туманининг Сегизбоев номи, «Оққўрган» ширкат ҳўжалиқларида, шунингдек, Қуйчирчиқ туманидаги Кетмонтпепа қишлоғи маҳаллаларида яшовчи кишилар бу саховатдан баҳраманд бўлишди.

— Бизнинг бу ҳаракатларимиз кам таъминланган оналарнинг ҳар томонлама тўқис яшашлари учун етарли бўлмайдими, албатта, — деди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Тўлқин Мирқомиллов. — Аммо, мақсадимиз биров булсада дилларни кўтариш, уларга ҳеч ким беэйтибор эмаслигини яна бир бор ўқтиришдир.

Бундай ҳўйрия тadbирлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилди.

Камолидин АСҚАРОВ, Тошкент ҳақиқати мухбири.

ҲИММАТ

Хусусий тадбиркорлик тузилмалари Ангренда ўтказилган турли ҳайр-эҳсон тadbирларида фаол қатнашмоқдалар. Ўз ташаббуслари билан ҳам шундай савоб ишларни амалга оширмоқдалар.

Чунончи, «Ангренлистен» ошхонаси билан «Бегойим» ширкати биргаликда «Мустақиллик» маҳалласидаги ногирон, кўп фарзандли ва ночор оналар болалари учун дастурхон эздилар. Унга 100 нафарга яқин ёш ўғил-қизларни тақлиф этдилар. Турли ноз-неъматлар билан тўла дастурхон атрофидагиларга ош тортилди. Тадбир охирида ҳамма болаларга совға-саломлар, асосан, кийим-кечақлар улашилди. Унда иштирок эта олмаган ногирон ўғил-қизлар уйларига ташриф буюриб, уларга ҳам моддий ёрдам кўрсатилди. Маҳалла аҳолиси хусусий тадбиркорларнинг бу ҳимматидан бениҳоя миннатдор бўлди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

Истеъдод — 2003

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

— Тадбирнинг ўтказилишидан асосий мақсад, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши раиси Рустам Қосимов, — ёш авлоднинг юксак оруз-интилишларини мўжассамлаштириб, уларнинг ҳаётий манфаатлари ва эҳтиёжларини ифодалаш ҳамда ҳимоялаш, ёш йигит-қизларнинг ақл-заковати, кун-ғайратини намоён этиш эди.

Иккинчи куни Янгийўл туман касб-ҳўнар коллежидан анжуманининг тантанали очилиш маросими бўлди. «Кувноқ шаҳарчалар» ақл-заковат, спорт ўйинлари, «Бугунги кун боласи: қачон, қаерда, нима билан банд» мавзусида гуруҳларро баҳсли мулоқот, «Бугунги кун етакчиси, ёшлар сардори — улар ким?» танловлари бўлиб ўтди.

Бунда ўсмир ёшлар миллий хўнармандчилик, шеърят, ёш техниклар, мусика, спорт ва тасвирий санъат йўналишларида ўз истеъдодларини синиб кўришди.

— Мен бор иқтидор ва қобилиятимни анжуманининг нафосат йўналишида синиб кўрдим, — деди Чиноз туманидаги 27-мактаб ўқувчиси Мархабо Мирзаамедова. — Танлов даврасида «Онам алласи», «Бегимга», «Хотира саодати» ижод намуналаримдан ўқиб бердим. Уларни қатнашчилар яхши қабул қилишгандан хурсандман.

Ўнлаб маҳоратли ёшлар қаторида корей кизи Елизавета Цойнинг соф ўзбек тилидаги кўй-қўшиқлари, сардорлик маҳорати бўйича болалар парламенти аъзоси, чинозлик Ҳасан Хатамов, паргентлик ёш шoir Зохиджон Холовнинг шеърлари, қибрайлик мўйқалам соҳиби Зафар Дехқоновнинг табиат манзараларига бағишланган расмлари барчани хўшнуд этди.

Паркент тумани 5-ихтисослаштирилган лицей мактаб ўқувчиси Зоҳид Холов ва чинозлик Мархабо Мирзаамедова «Нафосат», Чиноз тумани 1-мактаб 10-синф ўқувчиси Елизавета Цой «Санъат», Зангиота тумани 14-мактабдан Жамолддин Рихситиллаев миллий хўнармандчилик, Тошкент туманидан Шахноза Мирсоатова спорт йўналишлари бўйича олий соврин соҳиби бўлишди.

Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ, Тошкент ҳақиқати мухбири.

СУРАТДА: «Истеъдод — 2003» танлови анжуманидан лавда.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Қаоллар ўқуви

АЁЛ ҲУҚУҚЛАРИ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Чиноз туманида Ўзбекистон фуқаролик жамиятининг аёлларга бўлган зуравонликка нисбатан Гендер ҳиссиётини ошириш — давлат ва жамоат ташкилотларининг аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилиги ҳамда тенг имкониятлиги масалаларига бағишланган ўқув машғулотини бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокимияти, суд-ҳуқуқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларнинг туман бўлими, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари ва ходимлари иштирок этишди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хотин-қизлар манфаатлари йўлидаги тараққиёт жамғармаси — ЮНИФЕМ дастури бўйича ўтган бу машғулот вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан уюштирилди.

Иштирокчилар қатор маърузалар тинглаб, кўп ҳолларда аёллар зуравонлик қурбони бўлиб қолаётганлиги, кўнгилсиз вазиятларнинг шаклланиши, маиший зўравонлик кўринишлари хусусида мунозара юритишди. Зўравонликнинг олдини олиш, бу жараёнда мурожаат этиш мўкин бўлган ташкилот ва тизимлар — шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла ўзини ўзи бошқариш идоралари, хотин-қизлар кўмиталари, ҳуқуқ-маъмурий идораларнинг бу борадаги вазифалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Аёл ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоялаш, бу жараёнда қонунларимизнинг устуворлигига эришишда матбуот, радио ва телевидениенинг ўрни алоҳида эканлиги кўрсатиб ўтилди. Дин нуктаи назаридан аёлларнинг ҳимояланиш масаласи тева-рағидаги мунозаралар айнақса, қизгин ўтди.

Ўқув иштирокчилари амалий машғулотлар ва мунозаралар жараёнида ўрганилган маъмур муаммоларни бартараф этишга доир фойдалани билим ва кўникмаларига эга бўлишди, аёл ҳуқуқларини ҳимоялаш амалиётига доир малакаларини бойитишди.

Ю. ЖУМАНИЕЗОВ.

Кичик ва ўрта бизнес

Бозор муносабатлари шароитида барқарор ишлаш ва юксалиш йўлидан бориш бошқа кўпгина омишлар қатори маркетингни, яъни бозор талабини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ишлаб чиқаришни унга қараб ташкил этишни тақозо қилади. Ишлаб чиқариш шў маркетинг воситасида тўхтовсиз ўзгариб турадиган бозор эҳтиёжига мослашади ва шундай йўл билан кўпчилиги самарарага эришади. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар маркетинг туфайли бозор билан узвий боғланишлар, ишлаб чиқариш қувватларини бозори чаккон товарлар яратишга йўналтиришлар. Умуман олганда, маркетинг фақат бозор фаровонлигини қондириш воситасигина бўлмай, шу билан бирга ишлаб чиқариш самарасининг ҳам юқори бўлишига хизмат қилади.

Шунинг учун ҳар бир кичик ва ўрта бизнес корхоналарида маркетинг хизмати пухта ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Янгийўл шаҳрида тадбиркорлик тузилмаларини барпо этишда маъмур ҳолат ҳисобга олинаётганлиги учун уларнинг аксарият кўпчилиги барқарор фаолият кўрсатмоқда.

Бу шаҳарда кичик ва ўрта бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бу жараёни қўллаб-қувватлаш юзасида амалий ишлар тўхтовсиз олиб борилюмоқда. Шу маънада маъмур Дастурнинг қабул қилиниши алоҳида диққатга сазовор бўлди. Унда белгиланган чора-тадбирлар ва мутасадди ташкилотларнинг Дастурини бажариш юзасидан биргаликда олиб борган сўй-ҳаракатлари иқтисо-

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКДА МАРКЕТИНГ

лиард 150 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Бу олдинги йилдагига нисбатан 38,8 фоиз кўп эди.

Жорий йилнинг биринчи чоррағида бу юксалиш сўрвати янада ортди. Шу давр ичида 30 та янги кичик ва ўрта бизнес корхоналари барпо этилди. Уларда қўшимча 369 та иш ўринлари ташкил қилинди. Хорижада маъсур экспорт ҳажми ортиб, 32,8 минг АҚШ доллариға етди.

Бозор иқтисодиётининг муррак-аб шароитларида барқарор ишлаётган хусусий тадбиркорлик тузилмалари ҳақида сўз кетганда, аввало, «Зуқо» маъсуляти чекланган жамияти фаолиятини олиб кўриш мўкин. У республикамизда гематоген — кон дори ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади. Шунинг учун унинг маъсуротиға талаб катта. Айни пайтда корхона раҳбарияти уни кенгайтириш чора-тадбирларини кўрмоқда. Шу мақсадда янги бизнес режа тўйланяпти. Бу ишга чет эл инвестициясини жалб ташкил қилинди. Натижада асосий маъсуротни тайёрлашни кўпайтириш қатори ширинлик ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди.

«Ўтикр» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси ҳам бозор иқтисодиёти шароитларида барқарор ишламоқда. Бу ерда даст-

ласий фирмалари ва бошқа қатор тадбиркорлик тузилмалари ҳам фаолиятларини янгица йўлга қўйишган. Улар ўз маъсуротлари ва хизматлари билан истеъмол бозорини тўлдиришга ҳисса қўшмоқдалар.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ижобий натижа-ларга эришилмоқда. Чунончи, биргина ўтган йили тижорат банклари томонидан уларга берилган кредитлар ҳажми 956,8 миллион сўмни ташкил этди. Унинг 106,7 миллион сўми но-бюджет ташкилотлар маблағлари ҳисобланади. Жорий йилнинг биринчи чоррағида эса ажратилган жами кредит миқдори 154 миллион сўмдан ошиқроқ бўлди.

Шаҳарда бўш турган бинолар анчагина бор. Уларни кичик ва ўрта бизнес субъектларига ижарага бериш кенг йўлга қўйилган. Бу бинолар тадбиркорлик тузилмалари ўз фаолиятларини юритиш ва кенгайтиришлари учун қулай имкониятлар яратмоқда. Утган йили 10 минг 731,7 квадрат метр сахли бўш ётган бинолар еки 14 та объект тадбиркорларга ижарага берилди. Бундан ташқари, ишбилармонлар аҳолиға маиший хизмат тармоқларини барпо этиш учун деярли 60 та иншоотни ижара-ға олдилар. Жорий йилнинг биринчи чоррағида эса, 80 та бекор ётган бинолар ва айрим хоналар маъсурот тайёрлаш, маиший, савдо-сотик хизматини ташкил этиш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун хавола этилди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг изчил кенгайиб ва чуқурлашиб бори-шига қаратилган чора-тадбирлар ҳам тадбиркорлик ҳаракатининг авж олишиға ижобий таъсир кўрсатмоқда. Улар хусусийлаш-тирилган иншоотларни сотиб олиб, ўзларини тадбиркорлик тузилмаларини барпо этиш им-кониятиға эга бўлишмоқда. Утган йили мулкни давлат тасарруфи-дан чиқариш ва хусусийлашти-ришдан тўшган нақд маблағ 55,9 миллион сўмға етди. Бу жараён жорий йилда ҳам давом этмоқ-да.

Янгийўл шаҳрида кичик ва ўрта бизнеснинг тузилмаларини ривожлантириш борасидаги ютуқлар кўзға ташланиб туриб-ди. Лекин, айрим камчилиқлар ҳам йўқ эмас. Шаҳар ҳўкимлиги ва мутасадди ташкилотлар улар-ни бартараф этиш чораларини изламоқда. Бу эса мулкчилик-нинг истиқболли бўлиш билан бу тар-моғини тараққий эттиришда янги натижаларға эришишда олиб келади, деб уйлаймиз.

Кенжабой РОШМАТОВ, Ўзбекистон Ташкилатқас Президентни хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

ИСТЕЪМОЛЧИ

СИФАТ КАФОЛАТГА МУҲТОЖ

Жамоат назорати истеъмолчилар манфаатларини ишончли химоялашнинг муҳим омилига айланган бормоқда.

«ШАФТОЛИ»НИНГ КАРОМАТИ

Пскентдан ташвишли ситнал бўлди. Фуқаро Ш. Ражабова «Шафтоли» шампунидан сотиб олиб, оила аъзолари билан қандай аҳволга тушганлигини хабар қилди.

ОЛМАЛИҚДА «ЖУМБОҚ» ТУЗ

«Савдо» масъулияти чекланган жамият дўконларида туз «ёғилиб» кетди. Идоланган ош тузлари «Корақалпоқтуз» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган бўлиб, бир хусусий корхона орқали шартнома билан олинган эди.

ҚУСУРЛАР ҚАЧОНГАЧА?

Бекобод туманида «Турон Ашина» хусусий корхонаси бор. Асосан консервалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Хўш, «Гулистон»нинг қанча техникаси бор? Улар қаерда, қандай шароитда сақланади? Т-4А русумли 10 та, К-701 русумли иккита ҳайдов трактори мавжуд.

Бугун мавсум давомида ғўзага ишлов беришда фойдаланиладиган МТЗ-80 чолиқ тракторидан 32 та, МТЗ-82 дан 3 та.

Яна 33 та Т-28Х4 ва 4 та МТЗ-50 транспорт трактори, 6 та «Нива» галла комбайни, 32 та автомашина бор.

Аммо, техниканинг бутлиги иш ўзи-ўзидан кетаверади, дегани эмас, — дейди раис. — Уларни бошқарувдан механизаторлар ва йил-ўн икки ой устаконаларда ишлайдиган соловлар, чилангару тоқарларнинг иштиёқ билан меҳнат қилишлари учун аввало моддий, қолаверса, қулай шарт-шароитларни ҳам яратиб бериш керак бўлади.

Керакли техникаларни бутлаб, парк ва марказий устаконада тартиб ўрнатилган, нафақат механизатор ва таъмирловчилар, балки ҳар бир хўжалик аъзосининг қилаётган меҳнатига яраша моддий манфаат қўришини таъминлашга жиддий эътибор қаратилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, механизаторларнинг йиллик даромади ойма-ой тўлаб бориладиган ана шу иш ҳақидангина иборат эмас.

Жумладан, Абдуғаффор Темиров ер ҳайдайти, май- (Давоми. Боши 1-бетда).

донларни чигит экишга тайёрлайди, кишда таъмирлаш ишларида қатнашади. Утган йилги мавсумда у 560 минг 400 сўм иш ҳақига эга бўлди.

Хўш, техника тарқатилаётган шунча бугдойни хўжалик қаердан оляпти? Ҳеч нарса осмондан тушмайди.

Хўш, техника тарқатилаётган шунча бугдойни хўжалик қаердан оляпти? Ҳеч нарса осмондан тушмайди. Уни хўжалик аъзоларининг ўзлари етиштиришяпти.

БАРАКАНИНГ БОШИ — ТЕЖАМДА

Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги техникани авайлаб асраб, самарали ишлатиш ҳисобига ҳар йили экинлардан мўл ҳосил олиб, режани ортиғи билан бажариб, миллион сўмлаб соф фойда кўрмоқда



гектар майдондаги бугдойдан 38,2 тонна хирмон кўтарди. Хўжалик унга иш ҳақи ва муқофот тарзида 177 минг 248 сўм маош тўлади.

Пахтадан 35-40 центнердан, галладан 65-70 центнердан хирмон кўтариб, мўмай даромад эгаси бўлаётган пудратчилар рўйхатини давом эттириш мумкин.

Хўжаликнинг 1250 гектар майдонда мўл галла ҳосили пишиб етилмоқда. Паркда эса 6 та «Нива» комбайни тайёр турибди.

Хўлоса қилиб айтганда, техникага жиддий эътибор беришдан, деҳқон, механизатор ва мутахассисларни моддий рағбатлантиришдан, беистисно ҳар соҳада тежамли иш юритишдан мақсад соф даромадни кўпайтиришдир.

Утган йили мавсум оғир кечиб, қўллаб хўжаликлар режани удалай олмаган бир пайтда «гулистон»-ликлар техника етарли бўлгани, одамлар манфаатдорлик билан меҳнат қилаётгани учун давлатга пахта сотиш режасини 101,8 фоиз қилиб бажардилар.

Хўзир хўжалик даладарини айланган кишининг ғўзаси ривожини, пишиб етила бошлаган галла ҳосилини қўриб, дили яйрайди.

Дарвоқе, ўтган ҳафтадаги вилоят бўйича кўргазма-машгулот айнан шу хўжаликда ўтказилгани ҳам бежиз эмас.

Хўжаликнинг 1250 гектар майдонда мўл галла ҳосили пишиб етилмоқда. Паркда эса 6 та «Нива» комбайни тайёр турибди.

Хўлоса қилиб айтганда, техникага жиддий эътибор беришдан, деҳқон, механизатор ва мутахассисларни моддий рағбатлантиришдан, беистисно ҳар соҳада тежамли иш юритишдан мақсад соф даромадни кўпайтиришдир.

ЎЗБЕКИСТОН — БМТ: ҲАМКОРЛИҚДА ТАРАҚҚИЁТ САРИ

10 ИЮНЬ КУНИ БМТ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТ БОШЛАГАНГА 10 ЙИЛ ТЎЛДИ.

1993 йили мамлакатимизда дунёнинг энг нуфузли халқаро ташкилоти — БМТнинг ваколатхонаси очилди.

Тараққиёт дастурига 1965 йили асос солинган бўлиб, ҳозир у БМТнинг ўттиздан ортиқ халқаро ва минтақавий муассасалари орқали 150дан зиёд мамлакат билан аҳоли турмуш даражасини ошириш ва иқтисодий тараққиёт йўлида ҳамкорлик қилади.

БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаларни молиялаштириши ҳамкор мамлакатлар ҳукумати билан биргаликда амалга оширилади.

Мамлакатимизнинг БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорлик қил бошлаганига энди ўн йил тўлганига қарамай, бу муносабатлар Ўзбекистон тарихига алоҳида саҳифа билан киради.

Тараққиёт дастури доирасида Ўзбекистонда маданият, спорт, таълим соҳаларида қатор лойиҳалар ҳаёtgа жорий қилинаётган.

БМТ Тараққиёт дастури билан мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Сайдмурод РАҲИМОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

ИМТИҲОН

МУСТАҚИЛ ҲАЁТ АРАФАСИДА

Таълим кунларининг айни дамлари мактабларнинг битирувчи ўқувчилари учун ўта ҳаяжонли бўлади.

— Ҳўв йили тугаб, 9-ва 11-синфларнинг битирувчилари мустақил ҳаёт арафасида турибдилар, — деди Зангиота тумани 45-

иктисодиёт фани йўналиши бўйича таълим олди. Ун биринчи синфда эса 18 нафар ўқувчи битирув имтиҳонларига пухта тайёрланди.

Жумладан, Файзулла Малилов, Азиз Адашев, Дилобар Умарова, Шахноза Тожиқова, Олим Шайхона Малиқова.

«Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати» ОХЖ акциядорлари диққатига!

Жамиятнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2003 йил 5 июль соат 10.00 да Ғазалкент шаҳри, Мармар кўчаси, 1-уй, комбинат мажлислар залида ўтказилади.

Жамият акциядорлари реестри 2003 йил 5 июнь ҳолатига Кузатов кенгашининг 2003 йил 5 июндаги мажлис қарорига асосан ёпилган.

КУН ТАРТИБИ:

- 1. «Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати» ОХЖни «Ғазалкент тош» масъулияти чекланган жамияти номида қайта ташкил этиш.
2. «Ғазалкент тош» масъулияти чекланган жамияти таъсис ҳужжатлари ва Низомини тасдиқлаш.
3. Жамият Устав жамғармасини тасдиқлаш.
4. Жамият рамзи, думалок муҳри ва тамгаларини тасдиқлаш.
5. Жамият бошқарув органларини сайлаш.
6. Жамиятнинг почта манзили.
7. Жамиятни қайта ташкил этиш тартибининг белгиланиши.
8. Қабул қилиш-топшириш далолатномасини тасдиқлаш.

Қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Ғазалкент шаҳри, Мармар кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 21-035, 21-286. (код 274).

БАРЧА ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан, 2003 йил 1 июндан 2003 йил 26 майдаги 19-03-Р. Ўз. — 52-2003 рақамли реестр билан электр қуввати тўловлари учун истеъмолчи гуруҳлар бўйича қуйидаги янги тарифлар жорий этилди:

- I гуруҳ. Қуввати 750 кВа ва ундан юқори бўлган sanoat ва уларга тенглаштирилган истеъмолчиларга икки ставкали тариф.
II гуруҳ. Қуввати 750 кВагача бўлган sanoat ва унга тенглаштирилган истеъмолчиларга.
III гуруҳ. Кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналари, шу жумладан, бюджетдан молиялаштирилган насос станцияларига.
IV гуруҳ. Электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспорт (электрулов).

- V гуруҳ. Носаноат истеъмолчилар, бюджет ташкилотлари, шаҳар кўчалари ёриткичларига.
VI гуруҳ. Савдо ташкилотлари, кафе, ресторон ва маиший хизмат шахобчаларига.
VII гуруҳ. Аҳоли, аҳоли пунктларига.
VIII гуруҳ. Иситиш эҳтиёжлари, иссиқ сув билан таъминлаш ва совутиш (кондиционерлаш)га.
IX гуруҳ. Реклама ва иллюминацияга.

«Тошкент электр тармоқлари» ОАЖ бошқаруви маълумоти учун тел: 136-93-80.

